Taqiqot.uz

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR


DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.



LEV TOLSTOY
(1828-1910)

OKTYABR

№45

CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 18-ҚИСМ

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЙ: ЧАСТЬ-18

NATIONAL RESEARCHES OF UZBEKISTAN: CONFERENCES SERIES: PART-18

ТОШКЕНТ-2022

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

1. Рахимов И.Р., Бабажанов Қ.Б.
ХОЛЕДОХОЛИТИАЗДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ МОРФОЛОГИЯСИ 7
2. Рахимов И.Р., Бабажанов Қ.Б.
ЎТ ТОШ КАСАЛЛИГИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИДАГИ ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КЛИНИК МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР 9
3. Нажмиддинова Н.Н., Аллаберганов Д.Ш.
КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ 11
4. Шарипова Азиза Умаровна.
PASTKI JAG' BO'G'IMINING IKKILAMCHI DEFORMATSIYALOVCHI OSTEOARTROZI BO'LGAN BOLALARDA ANTIMIKROB FOTODINAMIK TERAPIYANING SAMARADORLIGINI TAJRIBADA ASOSLAB BERISH 13
5. Ботиров Шамсиддин Рашидович, Махкамова Нигора Эргашевна
ПАТОЛОГИИ СРЕДНЕГО УХА И СЛУХОВОЙ ТРУБЫ 15
6. Зайнутдинов Нурилла Омонуллаевич
ГИПОФРАКЦИОНИРОВАНЫЙ МЕТОД РАДИОТЕРАПИЯ ОНКОЛОГИЧЕСКИХ БОЛЬНЫХ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ 17
7. Махкамова Нигора Эргашевна, Набиева Жамила Маликовна
ПАТОЛОГИИ НОСА И ОКОЛОНОСОВЫХ ПАЗУХ У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННОЙ РАСЩЕЛИНОЙ НЕБА 19
8. Миразизова Диллола Равшановна, Махкамова Нигора Эргашевна
СЕНСОНЕВРАЛЬНАЯ ТУГОУХОСТЬ У БОЛЬНЫХ ПЕРЕНЕСШИХ КОРОНАВИРУСНУЮ ИНФЕКЦИЮ 21
9. Муминов Даврон Кадырович, Турсунов Даврон Илхомович
СОСТОЯНИЯ ЛЕГОЧНОЙ ГЕМОДИНАМИКИ И ДИАСТОЛИЧЕСКОЙ ФУНКЦИИ ПРАВОГО ЖЕЛУДОЧКА СЕРДЦА ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ОБСТРУКТИВНОЙ БОЛЕЗНЬЮ ЛЕГКИХ ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОЙ COVID-19 24

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

УДК:616.342-002.44-07:08:615.825.3

ХОЛЕДОХОЛИТИАЗДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ МОРФОЛОГИЯСИ

Рахимов И.Р., Бабажанов Қ.Б.
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
Рахимов Иззат Равшанбекович +998905579898
Бабажанов Қудратбек Бахтиёрович +998905787077
e-mail: rahimovizzat733@gmail.com
e-mail: babajanov-k.b81@mail.ru

Аннотация: Холедохоллитиаз бу жигар ўт йўлларининг тошли касаллиги бўлиб, жараённинг сурункали кечиши билан давом этади. Бу касаллик билан дунё аҳолисининг 10% касалланган. Бу касаллик эркаклар аёллар орасида 1:8 нисбатда учраши ва жинс нуқтаи назаридан асосан аёллар кўп учрайди. Холедохолитиазда асосий зараланадиган аъзолар жигар, ўт қопи ва ошқозон ости бези хисобланади. Ўт йўлларида холединамик бузилишлар ошқозон ости безидан ўн икки бармоқ ичакга қуйиладиган йўлларнинг ўткир ёки сурункали обтурацияси натижасида протеолитик ферментларнинг ошқозон ости бези йўлларида ва аосий без йўлида димланиши билан кечади.натижада ошқозон ости безида жараённинг динамикасига боғлиқ равишда ўткир ёки сурункали димланиш кўринишидаги панреатитларнинг ривожланиши билан намоён бўлади.

Калит сўзлар: морфология, ошқозон ости бези, ўткир ва сурункали панкреатит, холединамика, холелитиаз, ўт тош касаллиги.

Ўт тош касаллиги дунё ахосини 10 % да асасон аёлларда кўп учрашлиги билан характерланади. Ўт тош касаллигининг ривожланиш механизмида асосий ўринни аёллар танасининг конституционал тузилиши, метоболизмнинг бузилиши, экзокрин бузилишлар ва иммунопатологик жараёнларнинг бузилиши билан тушунтиралади. Шу билан бирга ўт тош касалликларини ривожланишига олиб келувчи билвосита ёки мойиллик туғдирувчи омиллар хам катта ўринни эгаллайди. Жумладан, семизлик, кам харакатли турмуш тарзи, ярим фабрикат овқатларни кескин истемол қилиш, чекиш, сурункали стресс ва кундалик пала партиш овқатланиш жараёнларни ошқозон ичак тракти ва жигар фаолиятини равон ишлашини издан чиқаради. Жуда кам учрайдиган омилларда, ошқозон ичак тракти ва ўт йўлларини ривожланиш аномалиялари, хомиладорлик, қорин бўшлиғидаги катта реконструктив операция муолажаларидан кейинги иккиламчи асоратлардан кейин ривожланади. Ушбу турдаги мойиллик туғдирувчи ёки иккиламчи омиллар сабабли юзага келадиган ўт тош касаллигини жами 1,3-5,2% ни ташкил этади.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти сифатида Хоразм вилояти Патологик анатомия экспертиза бюроси ва Республика патологик анатомия марказида жами 116та холатда ўткир панкреонекроз ташхиси билан вафот этган аутопсия жараёнидаги ажратиб олинган беморларнинг ўт йўллари ва ошқозон ости бези хисобланади. Олинган ошқозон ости безининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари таҳлил қилинди.

Олинган натижалар: Панреонекроздан вафот этган беморларнинг аутопсия жараёнида ошқозон ости бези морфологик ўзгаришларида қуйидаги ўзгаришлар аниқланди. Жумладан ошқозон ости бези ва ўт йўлларининг ўзаро туташган сохаларида диаметри 0,3-0,5см лик диаметрдаги тошларнинг ўткир тиқилиб қолиши, шу сохалардаги ўт йўллари сероз парадали ички юзаларида нуқтали қон қуйилишлар ва юзасида эрозив шикастланган ўчоқларнинг бўлиши аниқланди. Ошқозон ости бези макроскопик жиҳатдан қўнғир қизил рангда бўлиб, хажман катталашгани, умумий без йўллари атрофида кескин аутолизга учраган илвиллаган

гематомаляция ўчоқлари борлиги аниқланди. Микроскопик текширквлармизда экзокрин без алвеолалари бўшлиғида без секретларининг кескин димлангани, без йўли эпителийларида дистрофик ва некроти к ўзагирлар аниқланди. Жумладан, кескин ўзгаришлар асосан йиғувчи умумий без йўллари атрофидаги майда без тузилмалари атрофида кескин тўлақонлик, деструкцияга учраган оралиқ тўқима ва некрозга учраган без эпителийлари, шу сохаларда кенгайган веноз томирларда диапедез қон қуйилиш ўчоқлари аниқланади. Ўт йўли тош касаллиги сурункали жараён бўлганлиги учун ошқозон ости безининг бўлакчали тузилишида атрофик ва склеротик ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланади. Бу ўзгариш ўз навбатида пролтеолиик ферментларининг ошқоззон ости безининг экзокрин тузилаларида сурункали димланиши ва без эпителийларида атрофик ва метапластик ўзгаришлар ривожланишига олиб келган. Умумй фонда ошқозон ости безининг гистиоархитектоникасининг репаратив регенерация кўринишда ўзагириши яъни безлараро тўсиқларда дағал толали бириктирувчи тўқималарнинг кескин шаклланиши натижасида деформацияларнинг юзага келиши билан характерланди.

Хулоса: Холедохолитиазда ўт йўлларида сурункали тарзда димланган ўт суюқлиги холединамик бузилишларнинг бир кўриниши бўлиб, ошқозон ости безлари экзокрин тизимида сурункали димланишларни вужудга келиши оқибатида барча без тузилмаларининг атрофик ва склеротик ўзгаришларига олиб келади. Натижада, ошқозон ости без секретларининг динамик харакатини сурункали тарзда бузилиши, паренхиматоз хужайраларда гипофункциоанл холатнинг юзага келиши билан давом этади. Клиник морфологик жиҳатдан бу ўзгаришлар, енгил диспепсия кўринишида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кугаев М. И., Самсонова И. В., Клопова В. А. и др. Взаимосвязь поражения нервной ткани и фиброзных изменений в головке поджелудочной железы с болевым синдромом и качеством жизни пациентов при хроническом панкреатите // Новости хир. 2018. 19, № 5. С. 39–45.
2. Маев И. В., Казюлин А. Н., Кучерявый Ю. А. Хронический панкреатит. М.: Медицина, 2015. 504 с.
3. Маев И. В., Кучерявый Ю. А., Москалева А. Б. Хронический панкреатит: мифы и реальность // Гастроскопия. 2016. № 1. С. 8–10.
4. Майстренко Н. А., Чумасов Е. И., Петрова Е. С. и др. Особенности патоморфоза хронического панкреатита в обосновании хирургических подходов // Вестн. хир. 2018. № 4. С. 29–39.
5. Минушкин О. Н. Хронический панкреатит, этиология, эпидемиолог ия, классификация // Фарматека. 2017. № 2. С. 53–57.
6. Никитин П. Н. Морфологические изменения нервных стволов и стромы поджелудочной железы при хроническом панкреатите с болевым синдромом: Автореф. дис. …канд. мед. наук. М., 2019. 28 с.
7. Паклина О. В., Чекмарева И. А., Сетдикова Г. Р. и др. Поражение нервных стволов при хроническом панкреатите // Анн. хир. гепатол. 2019. № 3. С. 95–101.
8. Прядко А. С., Майстренко Н. А., Ромащенко П. Н., Бойко И. Ю. Малоинвазивные технологии в диагностике и лечении хронического панкреатита // Анн. хир. гепатол. 2019. № 2. С. 55–64.